

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Марғилон шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари Ш.Нисбатхонов томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

Мазкур қабулда жами 32 нафар фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

Қабул давомида тадбиркорлик, уй-жой таъмирлаш, моддий ёрдам, кадастр, соғлиқни сақлаш, кредит, ер масаласи, бола нафақаси, тикув машинаси олиш ва бошқа турли масалалар бўйича мурожаатлар рўйхатга олинниб, 4 та мурожаат жойида ижобий ҳал этилди, 5 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Қолган мурожаатларни ўз муддатларида ижросини таъминлаш бўйича тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарларига топшириклар берилди ва ижроси назоратга олинди.

2023-09-26 16:58:27